ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 март куни Америка Қўшма Штатларининг Узбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Узбекистон халқаро майдонда етакчи мавқега эга АҚШ билан узаро алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади. Бундай икки томонлама ҳамкорлик тобора равнақ топиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Стенли Туэмлер Эскудеро АҚШ маъмурияти икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаётгани тўғрисида маълум қилди.

Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар, минтақавий хавфсизлик борасида кенг ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Узбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 март куни мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Пранаб Мукержини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Узбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожига нафақат давлатларимиз ўртасидаги расмий муносабатлар, балки халқларимизнинг узоқ тарихга эга дўстлиги ва бир-бирига интилиши ҳам муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми ўтган йили 1994 йилдагига нисбатан анча ортганига қарамай, — деди Президент Ислом Каримов, — савдо-иқтисодий алоқаларда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Зеро, ушбу ҳамкорлик равнақи ҳар икки мамлакат манфаатларига тўла мос келади.

Пранаб Мукержи савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Узбекистон-Ҳиндистон ҳукуматлараро комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган қўшма мажлисида узаро алоқаларни ривожлантиришнинг умумий йўналиши ишлаб чиқилганини маълум қилди. Шунингдек, маданият соҳасидаги ҳамкорлик бўйича ҳам комиссиянинг алоҳида гуруҳи тузилганини мамнуният билан қайд этди.

Суҳбат давомида икки томонлама сиёсий ва иқтисодий муносабатлар, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишига учинчи бир давлат билан бўлган ҳамкорлик халақит бера олмаслиги алоҳида таъкидланди. Бугун Узбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам ўз минтақаларида доимий тинчлик ва барқарорлик сақланиши йўлида курашмоқда. Шу боис Афғонистондаги вазият, бу мамлакатнинг халқаро экстремизм ва фундаментализм учоғига айланиб қолаётгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Афғонистонда тинчлик ўрнатилишидан ҳар икки томон чуқур манфаатдор экани, зеро минтақавий барқарорлик мамлакатларимизнинг иқтисодиёт, коммуникация соҳаларидаги алоқалари равнақини таъминлаши қайд этилди.

Суҳбатда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликка доир бошқа масалалар борасида ҳам фикрлашиб олинди.



Пранаб Мукержи Президент Ислом Каримовга Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг мактубини топширди.

Қабул маросимида Узбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабулда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мелкулангара Кумаран Бхадракумар ҳозир бўлди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 21 март, пайшанба № 35 (21.956).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президентга мактуб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ҳамкасбим ҳамда ташқи ишлар вазири жаноб Пранаб Мукержининг Тошкентга ташрифидан фойдаланиб, сизга саломларимни йўллайман.

Биз минтақавий ишларга ҳам, минтақадан ташқарида содир бўлаётган ҳодисаларга ҳам таъсири сезилиб тургани бизга яхши маълум бўлган Ўзбекистондек мамлакат билан муносабатларимизга муҳим аҳамият беришда давом этамиз. Янги Ўзбекистоннинг оёққа туриши ҳамда у ерда демократик ва дунёвий тузум ўрнатилишида сизнинг тутган ўрнингиз мислсиз аҳамиятга моликдир. Биз Ўзбекистон билан айнан шунинг учун икки томонлама муносабатлар асосидагина эмас, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам ҳамкорлик қилишдан умидвормиз.

Жаноб Пранаб Мукержи Ҳиндистон-Ўзбекистон ҳукуматлараро комиссиясининг учинчи мажлисида иштирок этади. Мен сизнинг Бош вазир жаноб Ў. Султоновни ҳукуматлараро комиссиянинг ҳамраиси этиб тайинлаганингизни ниҳоятда юксак қадрлайман. Ўзаро алоқаларимизнинг салоҳияти жуда улканлигини биз жуда яхши биламиз. Мен сизни иқтисодий, савдо ва бошқа муносабатларимизни янада кенгайтириш ва ривожлантиришдан ўзаро манфаат топиш мақсадида бундан буён ҳам ўзбекистонлик дўстларимиз билан ҳамкорликда ишлайверамиз, деб ишонтиришни истардим. Мен, шунингдек, икки буюк цивилизацияга мансуб халқларимизнинг жуда кўп қимматли уйғунлигини акс эттираётган маданий алоқаларимизни алоҳида қайд этишни истардим. Биз аллақачон Тошкентда Ҳиндистон маданий марказини очганмиз ҳамда яқин келажакда Ўзбекистонда Ҳиндистон фильмлари фестивали ва Ўзбекистон олимлари коллоквиумини ташкил этиш ниятидамиз. Умид қиламанки, бундай воқеалар ҳамда Ҳиндистонда Ўзбекистон тарафидан уюштирилган худди шундай тадбирлар маданият соҳасидаги ўзаро алоқаларимизнинг муҳим хусусияти бўлиб қолади.

Илгари ўртамизда бўлиб ўтган очиқ ва ниҳоятда фойдали мулоқот руҳида сиз билан минтақада юз бераётган вазиятдан ташвишимни ҳам ўртоқлашмоқчиман. Биз ҳиндистонликлар қўшниларимиздаги вазиятни беқарорлаштирмоқчи бўлган, Афғонистон ва Тожикистонда ўзларининг ғаразли ниятларига етиш учун турли ихтилофлар ва давом этаётган зўравонликка фатво бераётган кучлар борлигини биламиз. Бундай хатти-ҳаракатлар чегаралар дахлсизлигигагина эмас, мавжуд давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига ҳам хавф туғдиради. Барқарорликка путур етказувчи бундай ишлар минтақамизда хунук оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Уни уюштираётганларнинг ўзлари ҳам оқибатлардан халос бўла олмайдилар. Биз Ҳиндистон билан Ўзбекистон мана шу минтақада азалдан равнақ топган қадимий цивилизация ворислари сифатида, ҳам тинчлик, барқарорлик, демократия, дунёвий давлат қуриш ҳамда иқтисодий тараққиёт тарафдори бўлган давлатлар сифатида бундай зўравонлик ва беқарорлик ўрнатишга тарафдор бўлган кучларга қарши биргаликда кураш олиб боришимиз лозимлигига ишонамиз.

Жаноби олийлари!

Сиз билан кейинги учрашувларимиздан бери маълум вақт ўтди. Иккаламиз ҳам ниҳоятда банд бўлганимиз учун бошқа учрашолмадик. Бизда яқинда умумхалқ сайлови бўлади. Бу воқеа бир неча ой мобайнида менинг хорижга чиқишимга имкон бермайди. Бироқ, шу йил охирларида сиз билан мамлакатимизда кўришиш бизга улкан мамнуният бахш этади. Бу ҳолда биз икки томонлама, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имкониятига эга бўлар эдик.

Марҳамат қилиб, сизга камоли эҳтиромимни қабул этгайсиз, жаноби олийлари, шунингдек, олдингизда турган муҳим вазифаларни бажаришда муваффақиятлар тилашимга ҳам ижозат бергайсиз.

Нарасимха РАО,
Ҳиндистон Бош вазири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 400 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 900 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 550 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 550 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1996 йилнинг 1 апрелидан бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

3. 1996 йил 1 апрелдан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

— болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 900 сўм;

— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 550 сўм.

4. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1996 йил 1 апрелидан бошлаб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб ҳамда 1996 йил 1 апрелдан жорий этиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасини ҳисобга олган ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб маошларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қоплансин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат харажатларини пасайтириш ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бундан мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги 1213-сонли Фармони (8-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 18 март.

РАСМИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Ле Дик Аннинг таклифига биноан шу йил 27-29 март кунлари Вьетнам Социалистик Республикасига расмий ташриф буюради.

ДЕПУТАТЛАР ЙИҒИЛИШИ

Наврўз байрами арафасида Самарқандда вилоятдан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари иштирокида йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими А. Мардиев бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Хоразм вилояти сессиясида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифаларни жойларда кенг муҳокама қилиш ва уларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида фикрлашиб олинди. Йиғилишда, шунингдек, Россия Федерацияси Давлат думасининг 1996 йил 15 мартдаги собиқ Иттифоқни қайта тиклашга қаратилган қарорига муносабат билдирилди. Мазкур қарорнинг республикамиз учун ҳеч бир дахли йўқлиги, бу қарор ҳатто муҳокамага ҳам лойиқ эмаслиги қатъий таъкидланди.

(ЎзА).

Мустақиллик манзаралари

ЙИЛБОШИ СОВҒАСИ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Наврўз байрами арафасида қуриб битказилган республика Биржа марказини бориб кўрди.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Ҳой, боғбон бобо,
ниҳолга берсин барака!
Ҳой, деҳқон бобо,
далангга берсин барака!



Ҳой, чўпон бобо,
қўрангга берсин барака!
Бойчечак чиқибди,
бугун Наврўз экан!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг меҳнатнинг мураккаблигига ва ходимларнинг малакасига боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси тасдиқлансин. Бошланғич разрядининг 550 сўм миқдоридаги тариф сеткаси ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин.

2. Қўшимча ҳақ ва устамаларнинг амалдаги тизими, шунингдек, ходимлар иш ҳақига қўшиладиган район коэффициентлари сақлаб қолинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш бюджетдан маблағ билан таъминланадиган барча муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ходимларнинг тариф-малака разрядларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси асосида белгилаш ўз молиявий фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширувчи барча давлат ва давлат-акционерлик корхоналари ва ташкилотлари учун мажбурий ҳисоблансин.

Мулкчиликнинг бошқа шакларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ходимларнинг тариф-малака разрядларини ягона тариф сеткаси асосида белгилаш тавсия этилсин.

4. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, бирлашмалар Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳам келишган ҳолда икки ҳафта муддатда раҳбар ходимлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг амалдаги тарификация тизимини қайта кўриб чиқсинлар ҳамда уни меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси талабларига мувофиқлаштирсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимларининг амалдаги тарификация тизимини қайта кўриб чиқсинлар ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси талабларига мувофиқ янги тариф сеткасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

5. Меҳнат вазирлигига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тариф-малака маълумотномаларида ўз аксини топмаган ишлар ва касблар (лавозимлар)ни ягона тариф сеткасининг тегишли касблар (лавозимлар) разрядларига тенглаштириш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг ягона тариф сеткасига мувофиқлигига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ўн кун муддатда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин. Вазирликлар ва идораларнинг тегишли ходимлари билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш билан боғлиқ тушунтириш, ташкилий ва методологик ишларни олиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 декабрдаги 589, 590-сон ва 1995 йил 23 февралдаги 65-сон қарорлари 1996 йил 1 апрелдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юкласин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 18 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Одамларнинг фаровонлигини ошириш, аҳолини ишончли ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш масалалари давлатимиз бошлиғи ва ҳукуматнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори бунинг далилидир.

Президент Фармони билан 1996 йил 1 апрелдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори 250 сўмдан 400 сўмгача оширилмоқда, бунда бюджет муассасалари ва ташкилотларининг ходимлари иш ҳақини ўртача 1,4 баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юртлари талабалари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг ўртача миқдори 1,4 баравар оширилмоқда.

Агар бугунги кунда меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори 645 сўмни ташкил этса, 1 апрелдан бошлаб у 900 сўмга етади, яъни 255 сўм қўшилади. Худди шунингдек — болаликдан ногиронларга бериладиган нафақалар 900 сўмгача оширилади. Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори 400 сўмдан 550 сўмгача кўпаяди. Олий ўқув юртлари талабалари стипендиялари ўртача 560 сўмдан 790 сўмгача, техникумлар ва коллежларнинг ўқувчилари стипендиялари эса 530 сўмдан 750 сўмгача ошади.

Ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш билан боғлиқ тўловлар миқдори ошмоқда. Масалан, бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафақалар 250 сўмга ошади ва 600 сўмни ташкил этади, 16 ёшгача бўлган боласи бор оилаларга бериладиган нафақалар миқдори 2,2 баравар ошади ва 400 сўмни ташкил этади.

Иш ҳақи ошиши билан бир вақтда фуқароларнинг солиқ солинмайдиган даромади миқдори ҳам ойига 400 сўмдан 550 сўмга ошишини таъкидлаш муҳимдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида кўрсатиб ўтилган чораларни рўёбга чиқариш учун анча пул маблағлари талаб этилади, бу республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан таъминланади.

Айни вақтда шуни таъкидлаш зарурки, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитларида ҳар бир ходим ва унинг оиласининг фаровонлиги биринчи навбатда уларнинг меҳнат фаоллиги, ўз малакаси ва касб тайёрлиги ошишига, меҳнат фаолиятининг янги, янада мураккаб участкаларини ўзлаштиришга интилиши билан белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг 22 разрядига асосланган янги ягона тариф сеткаси иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришга, юқори унумли малакали меҳнатга ундашга йўналтирилгандир. Ягона тариф сеткаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1996 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилади.

Ягона тариф сеткаси меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ҳисобига ходимнинг ўз малакасини оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришни назарда тутади. Янги тариф сеткасига мувофиқ тариф ставкаси сезиларли даражада ошади, турдош разрядлар ўртасидаги фарқ эса 2-2,5 баравар кўпаяди.

Масалан, олий тоифали врачнинг тариф ставкаси тоифаси бўлмаган врачнинг тариф ставкасидан 104 сўм ортиқ эди. Янги шартларга кўра уларнинг тариф ставкаларидаги фарқ 263 сўмни ташкил этади, тоифаси бўлмаган врач тариф сеткасининг ўзи 744 сўмдан 1094 сўмгача, ёки 350 сўм ошади, олий тоифали врачнинг тариф ставкаси эса 848 сўмдан 1356 сўмгача ёки 508 сўмга ошади.

Шуни таъкидлаш лозимки, янги тариф сеткасида бошланғич разряд ставкаси 400 сўмдан 550 сўмгача ошишини ҳисобга олган ҳолда барча ходимларнинг иш ҳақи сезиларли даражада ошади.

Масалан, 28 разряддан иборат бўлган амалдаги ягона тариф сеткасида 1-тоифали ўқитувчининг тариф ставкаси 11-разрядга тўғри келар ва 888 сўмни ташкил этар эди. 22 разрядли ягона тариф сеткасида бу ўқитувчининг ставкаси гарчи тўққизинчи разрядга тўғри келса ҳам, 468 сўмга кўпаяди ва 1356 сўмни ташкил этади.

Энг кам иш ҳақи кўпайиши муносабати билан илгари белгиланган барча қўшимча ҳақ ва устамалар ҳам ошади. Масалан, ўша ўқитувчи дафтар текширганлик, синф раҳбарлиги, ўқув хонасига мудирлик қилганлик учун оладиган қўшимча ҳақ миқдори ҳаммаси бўлиб 220 сўмга кўпаяди. Шундай қилиб, ушбу ўқитувчининг иш ҳақи қўшимча тўловларни ҳисобга олган ҳолда 1576 сўмни ташкил этади.

Турлича малакага эга бўлган ишчиларнинг тариф ставкалари ўртасидаги фарқ сезиларли равишда ошди. Масалан, саккизинчи разрядли юқори малакали ишчи билан биринчи разрядли ишчининг тариф ставкаси ўртасидаги фарқ 172 сўмни ташкил этар эди. Эндиликда у 510 сўмгача кўпаяди ёки деярли 3 баравар ошади. Бу ўз навбатида ишчиларни ўз малакасини оширишга ва мураккаброқ меҳнатни эгаллашга интилишини рағбатлантиради.

Бюджет ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланган янги тариф сеткаси мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларда ҳам жорий этиш учун тавсия этилади.

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИ – УЛКАН БУНЁДКОРЛИК, ИЖОДИЙ МЕҲНАТ ЙЎЛИДИР

19 март куни Тошкентда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси бўлди. Кун тартибига қўйилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларига изчиллик билан ўтишни амалга оширишга доир долзарб масалаларни муҳокама этиш учун кенгаш аъзоларидан ташқари бир қанча вазирликлар, идоралар, корпорациялар, бирлашма ва уюшмалар, бошқа тадбиркорлик тузилмалари, банклар, илмий муассасалар ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизими вакиллари таклиф этилган эди.

Мажлисда асосан қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳамда акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама этилди. Бу масала юзасидан республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен ахборот берди.

Мазкур масаланинг кун тартибига қўйилгани унинг ниҳоятда долзарб эканидан далолат бериши тўғрисида гапирар экан, Президент Ислом Каримов бу масаланинг республикада сиёсий соҳада ҳам, иқтисодий соҳада ҳам, ижтимоий соҳада ҳам амалга оширилаётган туб янгиланишларнинг умумий мажмуида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Ўзбекистонда мулкдорлар синфини ташкил этиш — шунчаки шиор эмас, ҳаётий эҳтиёж, ислоҳотлар жараёнининг ҳозирги босқичи тақозосидир. Бу масалани амалда ҳал этмай туриб, биз ўзгартишлар йўлидан олга силжий олмаймиз.

Афсуски, деди давлатимиз бошлиғи, ҳозирча бошқарув ва хўжалик юритишнинг турли бўғинларида бозор муносабатларини ўрнатиш жараёнига тўла онгли равишда ёндашилаётгани йўқ. Биз бугун нима қиляпмиз, нима учун қиляпмиз, бу ишимизнинг натижаси қандай бўлади? Раҳбарлар орасида ўзига бундай саволлар бераётганлар борми ўзи? Шунинг учун ҳам ислоҳотларни амалга оширишда кўпинча расмиятчилик билан юзаки ёндашилмоқда. Кўпчилик қилаётган ишни қиляпман-да, деб ўйлаймиз. Таққослаётганим учун хафа бўлманглар-у, яқинда, шўролар даврида ана шундай кайфият ҳукмрон эди: кимдир Москвада туриб масалани ҳал қилар, топшириқ берар, бошқалар эса ўйлаб ҳам ўтирмасдан ёппасига шу топшириқни бажаришга киришар эди... Бунинг оқибати нима бўлгани ҳаммага маълум.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш йўли билангина мулкдорлар синфини барпо этиб бўлмайди. Қимматли қоғозлар бозори бу ишнинг мантиқий давоми ва ривожи ҳисобланади. Афсуски, деб қайд этди мамлакат раҳбари, биз бу борада масаланинг моҳиятини англамаслик, гоҳида эса ишга кўр-кўрона ёндашиш, мамлакатда қимматли қоғозлар бозори бозор муносабатларига асосланган ҳар қандай жамиятдаги сингари маърифий ривожланиши учун зарур бўлган механизмларнинг йўқлигига дуч келмоқдамиз. Айнан қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиёти принципларини амалга оширадиган қудратли механизмлардан бирига айланиши керак.

Ижтимоий томондан олиб қарайдиган бўлсак, кишилар қимматли қоғозлар билан муомала қилиб, акцияларни сотиб олибгина ўз бойлигини кўпайтиришдан манфаатдор хусусий мулк эгасига айланади. Қимматли қоғозлар бозори амалга оширилаётган янгиланишлар, шакллантирилаётган бозор муносабатлари жараёнларига онгли тус беради.

Давлат бошлиғи бу масалага кечириб бўлмайдиган даражада кам эътибор бераётган ва уни уқувсизлик билан ёритаётган оммавий ахборот воситаларини қаттиқ танқид қилди. Газеталарда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги хабарлар камдан-кам чиқмоқда. Юқоридан тегишлича «туртки» бўлгандан кейингина муҳаррирларда бозор «вируси» уйғонмоқда. Маълумки турткининг кучи узоққа бормайди, сўниб қолади. Телевидениеда эса мазкур мавзуда кўпроқ зерикарли ва баъзан ҳеч қандай янгилик бермайдиган кўрсатувлар, давра суҳбати устунлик қилмоқда. Бундай суҳбатларга кўпинча таниқли бўлса ҳам, афсуски эскича қарашлар тарафдори бўлган, ҳозирги бозор иқтисодиётини яхши тушунмайдиган, хусусан қимматли қоғозлар бозори масалаларидан хабардор бўлмаган кишилар таклиф этилмоқда. Бу кўрсатувларга мутахассисларни таклиф қилиш лозим бўлса, ҳозирги ёшлар орасидан сергайрат, бозорни ҳақиқатан ҳам яхши биладиган иқтисодчиларни танлаш керак. Янгича фикрлайдиган ва хорижда муносиб билим олган, манфаатдор ёшлар эса республикамизда кўплаб топилади.

Матбуотни «тўртинчи ҳокимият» дейишади. Шундай экан у чинакам ҳокимият бўлсин, деди Президент. Оқим билан ҳаракат қилмайдиган, балки ўзи ҳаракатга келтирадиган, бозор муносабатларини шакллантириш масалаларида уни йўналтириб турадиган куч бўлсин. Қимматли қоғозлар бозори етарли ахборот бўлмаса ривожлана олмайди. Одамлар унга ишонишлари, ўзлари учун янгилик бўлган қимматли қоғозлар бозорини тушуниб олишлари учун бу ҳақдаги ҳамма нарсани билишлари, тўла-тўкис ахборотга эга бўлишлари керак.

Инсон табиатан мулкдор бўлишни хоҳлайди, деб таъкидлади Ислом Каримов. Олдинги совет мафкураси одамларда бундай хоҳиш борлигини рад этиб келган бўлса ҳам, аслида шундай. Бирон нарсага эгалик қилиш истаги инсон туғилган пайтдаёқ вужудга келади. Бу мулкка қанча кўп меҳнат сарфланган бўлса, эгаси учун у шу қадар қадрли бўлади. Шу маънода қимматли қоғозлар бозори инсонга табиат ато қилган истакларини амалда рўёбга чиқариш имконини беради.

Мулк эгаси учун эса албатта кафолат зарур. Инсон қандайдир бойликнинг, аниқроқ қилиб айтсак — қимматли қоғозларнинг ҳақиқий эгаси бўлгач, уларни қўлдан чиқаришни хоҳламайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўз мулки сақланиб қолишига ишончи комил бўлишини хоҳлайди — бу ҳақли истакдир. Бинобарин биз унга ана шундай кафолат беришимиз керак. Президент мисол сифатида Россиянинг яқин вақтдаги бутун дунёга шов-шув бўлган ачинарли тажрибасини келтирди. Россияда турли банклар ва жамғармалар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек пайдо бўлган, одамларга «олтин тоғлар» ваъда қилиб, уларни талаб пулларини олган, сўнгра совун кўпигидек гойиб бўлган, шу сабабли «алданган омонатчилар» деган ибора пайдо бўлган эди.

Биз бундай ҳолларга йўл қўя олмаймиз, Ўзбекистонда умуман алданганлар бўлмаслиги керак. Биз ўзгартишларимизга қандайдир йўллар билан доғ тушириш имкониятларини истисно қилишимиз керак, деди мамлакат бошлиғи. Маърифий мамлакатлардаги каби кишиларга чинакам ишончли кафолатлар беришга мажбурмиз. Бундай кафолатларни қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятига ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунлар таъминлаши керак.

Тижорат банкларимиз қимматли қоғозлар бозорида нима учун кам иштирок этмоқда? Ўзбекистонда чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишга хорижий сармоядорларни қандай жалб этиш мумкин? Аҳоли маблағларини қимматли қоғозлар бозорига кўпроқ жалб этиш учун нима қилиш, қандай чоралар кўриш керак? Президент ана шу уч саволга мажлис қатнашчиларининг ўзлари жавоб беришларини таклиф этди.

Бу масалани муҳокама қилишда «Турон» акционерлик-тижорат банкининг вице-президенти М.Қурбонхўжаева, «Файз» акционерлик жамиятининг бош директори М.Азимова, «Тошкент» биржаси бошқаруви раисининг ўринбосари И.Бутиков, Олий Мажлис иқтисодий ислоҳот ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг раиси А.Йўлдошев, молия вазирининг ўринбосари А.Абдуқодиров, «ДЭУ корпорейшн» ижрочи директори, Марказий Осиё бўйича президенти Чонг Хи Чу, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги вакили Исао Каваниши, «ЎзБАТ А.О.» Ўзбекистон-Британия корхонасининг бош директори Жим Роландз- Риз ва кенгашнинг бошқа аъзолари қатнашди.

Ислом Каримов улар айтган фикрларни умумлаштириб, жумладан, тижорат банкларининг фаолиятига, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги иштироки хусусида бир қанча танқидий мулоҳазаларни айтди. Бизда тижорат банклари кам самара билан ишлаяпти. Чунки ишга юзаки қараб, ташаббуссиз, ҳар қандай таваккалчиликдан ўзини четга олмоқда. Тижорат ишида таваккалсиз иш битмайди. Таваккал қилмаса бизнесда ҳеч қандай муваффақиятга эришиб бўлмайди. Кам бўлса ҳам тинчроғи яхши деган эски қоидалар эндиликда тўғри келмайди. Кимки таваккал қилишдан қўрқса, бу тузилмаларда ишламасин. Тижорат банкларида иқтисодий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган, дадил ҳаракат қиладиган, ўз-ўзидан равшанки, аниқ ҳисоб-китоб қилиб, таваккал билан иш юритадиган, чинакам манфаатдор одамлар ишлаши лозим.

Қимматли қоғозлар бозори, айниқса, иккиламчи бозор унда сотиладиган акцияларнинг қиймати дастлабки қийматидан фарқ қилсагина, ана шу қиймат фарқидан ҳақиқий фойда олиш мумкин бўлсагина самарали ишлайди. Ана шундагина чинакам қизиқиш, таваккал қилиш истаги пайдо бўлади.

Қонун қабул қилиниши билан ўз вазифамни бажардим, деб ҳисоблаб, бу масала билан бошқа шуғулланмайдиган қонун чиқарувчилар шаънига эътирозлар айтилди. Қонунни қабул қилиш ишнинг бошланиши, холос. Парламент аъзолари ўзлари қабул қилган қонунлар амалда ишлашига эришишлари, қонунлар ижросини назорат қилиб боришлари, зарур бўлса — ишга аралашиб, аҳволни вақтида ўнглаб олишлари керак.

Ҳамма иллат шундаки, деди Президент, бизда кўплар бозор муносабатларига ўтамиз деган гапни эълон қилишнинг ўзи етарли, шундан сўнг бозор ўз-ўзидан келади, деб ўйлайди. Бундай бўлмайди, бозорни ташкил этиш керак. Бозор ҳақиқатан ҳам вужудга келиши, иш бошлаши учун собитқадамлик, фидокорлик билан дадил ва ижодий меҳнат қилиш, катта ҳажмдаги ишларни бажариш зарур.

Идораларо кенгаш қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни республикада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналиши деб ҳисоблайди. Кўзда тутилган чора-тадбирлар мажмуининг шу жараён барча иштирокчилари томонидан амалга оширилиши ислоҳ қилинаётган иқтисодиётимизнинг энг асосий масалаларидан бирини ҳал қилишга имкон беради, маърифий бозор талаблари даражасида қимматли қоғозлар бозори амал қилишини таъминлайди. Республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қошида қимматли қоғозлар бозори фаолияти ва уни ривожлантириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирадиган махсус марказ ташкил этишга қарор қилинди.

Мажлисда мулк пайларини жорий этиш ва қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта қуриш масаласи муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан Бош вазир ўринбосари Р.Гиниятуллин ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси президенти вазифасини бажарувчи С.Усмонов ахборот берди.

Ислом Каримов бу масаланинг туб моҳияти тўғрисида гапириб, уни ҳал қилишга жиддий ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу масалада чала-ярим чоралар билан чекланиб қолиш мумкин эмас, ислоҳ қилиш вазифаларини ҳал этишнинг Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларига, халқ анъаналари ва руҳиятига мос келадиган энг самарали ечимини излаш керак.

Аслида ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқини рад этиш мумкин эмас. Биз ерни деҳқонларга шахсий хўжалиги учун ажратма, томорқа тарзида, жамоа хўжалигидаги пай улуши тарзида беряпмиз. Ўзбекистонда ер кам, бунинг устига қишлоқ хўжалигимизнинг ихтисослашуви юксак даражада механизациялашни, қудратли техникадан фойдаланишни назарда тутади, бундай техника учун кенг майдон керак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ҳайдаладиган умумий унумдор ерларни ҳаддан ташқари парчалаб ташлашни, ерни кенг миқёсда сотишни истисно қилади.

Ана шу ернинг ҳар гектарига бизда илмий асосланиш ва умуман меҳнат унумдорлиги нуқтаи назаридан зарур бўлганидан икки-уч баравар кўп одам тўғри келиши бошқа масаладир, деди Президент. Бу масалани ҳал қилиш учун аввало саноатни қишлоққа кўчириш керак. Бу йўналиш аҳоли учун зарур моллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, ортиқча ишчи кучини фойдали иш билан таъминлашга имкон беради. Қишлоқда саноат корхоналарини жадалроқ қуриш керак, улкан корхоналар эмас, балки ҳатто қишлоқдаги бир оила аъзоларигина ишлайдиган кичик корхоналарни қуриш лозим.

Қишлоқ жойларда хизмат соҳасидаги ишларнинг аҳволи ёмон. Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида аҳолининг тахминан саккиз фоизи банд, 60 фоиздан кўпроғи эса хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди. Бизда эса бунинг акси, деб таассуф билдирди давлат бошлиғи, 60 фоиздан кўпроғи ерда ишлаш билан банд, фақат тахминан саккиз фоизигина хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди. Одамларни хизмат кўрсатиш соҳасига ўтказишни нисбатан тубдан ўзгартириш керак.

Аслини олганда биз қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини янгидан барпо этишимиз лозим. Уни барпо этишимиз, шундай корхоналарни қуришимиз ва ишга туширишимиз лозим. Бу эса катта харажат талаб қилмайди, кам маблағ сарфланадиган йўл, деб таъкидлади Президент. Айни пайтда бу қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашдек жуда муҳим муаммони ҳал қилишнинг тўғри йўлидир.

Ислом Каримов масалани муҳокама қилишда иштирок этган кишилар эътиборини қаратган иккинчи нарса қишлоқ хўжалигида меҳнат омилларини ўзгартириш зарурлигидир. Бундай омилларнинг йўқлиги — энг катта нуқсон. Деҳқонда ернинг ҳақиқий эгаси туйғусини тарбияламоқ керак, чунки ер фаровонликнинг негизи бўлиб, деҳқонни ҳам, унинг оиласини ҳам боқади, тўкин-сочинлик ва фаровонликни таъминлайди.

Қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида, қишлоқ мулкдорлари синфини шакллантиришда, мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда, қишлоқ хўжалигининг ҳозирги кўп укладлилигида биз эришган нарсалар вақтинчалик натижалар холос. Бу масалани тубдан ҳал қилиш эмас, деб таъкидлади Ислом Каримов. «Қуйидан», деҳқонлар — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчилар бевосита иштирок этмаса ва қўллаб-қувватламаса, бу масала ҳал қилинмайди.

Кенгашнинг тегишли комиссиясига мулкий пайларни жорий этиш ва ер эгалари синфини шакллантириш асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш тўғрисидаги масалани собитқадамлик билан ишлаб чиқишни давом эттириш топширилди.

Мажлисда иқтисодий таълимни такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокамаси чоғида Ислом Каримов республикада иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, давлатимизнинг жаҳон хўжалик объектлари ўртасида тенг ҳуқуқли субъектга айланиши пайтида бу масаланинг ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлаб, айни пайтда иқтисодиёт бўйича мутахассислар тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг иқтисодиёт борасидаги саводхонлигини кўтариш зарурлигини уқтирди. Бу ишни ўқитувчиларнинг, олимларнинг ўзидан бошлаш лозим. Чунки уларнинг кўпчилиги ҳали янги замонга мослашмаган, шўролар давридаги эски тафаккур билан яшайди. Биз тафаккур тарзимизни ўзгартиришимиз, бугунги куннинг юксак идрокка эга, кенг миқёсда фикрлайдиган ҳамда ҳаёт ўртага ташлаётган энг мураккаб масалаларни ҳал этишга қодир бўлган малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайдиган, ҳозирги талабларга мос келадиган таълим тизимини янгидан барпо этишимиз лозим.

Мажлисда республика ҳукумати ҳузурида катта таркибдан иборат мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиб, унинг зиммасига мана шу масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ барча вазифалар мажмуини бошқариш ва бу ишлар учун масъулиятни юклаш таклиф этилди.

Мажлисда республика Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш раисининг ўринбосари Ў. Султонов кенгаш таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда Республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, А. Азизхўжаев иштирок этди.

Альфред БАРАНОВ.
(ЎзА).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг Россия Федерацияси Давлат Думаси 1996 йил 15 мартдаги қарори юзасидан НУҚТАИ НАЗАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси Россия Давлат Думаси 1996 йил 15 мартда собиқ Совет Иттифоқини, моҳиятан, қайта тиклашга қаратилган қарори юзасидан республика Президенти И. А. Каримовнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгаши навбатдан ташқари учинчи сессиясида сўзлаган нутқи, Россия Президенти Б. Н. Ельцинга йўллаган телеграммаси ҳамда Ўзбекистон Олий Мажлиси Кенгаши қарорида баён этилган қоида ва хулосаларни, Ўзбекистон ХДП номидан, батамом қўллаб-қувватлайди.

Партиямиз, қарийб беш йилдан буён, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибига кирувчи барча мамлакатлар халқлари ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш тарафдори бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Биз, хусусан, илдизлари чуқур, халқларимиз туб манфаатларига хизмат қилувчи дўстлик, ўзаро ҳамкорликнинг минглаб ришталари билан боғланган Ўзбекистон ва Россия муносабатларини тобора кенгайтиришни алоҳида, устивор аҳамиятли вазифа, деб биламиз ҳамда Россиядаги соғлом ижтимоий-сиёсий кучларнинг жамиятни демократиялаштириш, мазкур мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қадрлаймиз.

Бироқ, кейинги пайтларда, Россияда, ўзини бадном қилган, умрини яшаб бўлган мустабид, эндиликда, тарихнинг мулкига айланган давлатчилик шакллари ва сиёсий тартибларга қайта жон киргизишга уринувчи кучларнинг мавқеи, таъсири ошиб бораётганлиги кўпчиликни, жумладан, партиямиз аъзоларини ҳам, жиддий ташвишлантирмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси, Россия Федерацияси ички ишларига мутлақо аралашмай ва унинг суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда, мазкур мамлакат парламентининг 1996 йил 15 мартда қабул қилган қарори, беихтиёр, ушбу давлат ички ишлари доирасидан чиқади ҳамда МДҲ бошқа мамлакатларининг мустақиллиги, уларнинг ҳудудий дахлсизлигига таҳдид этади, деб ҳисоблайди.

Албатта, бу ерда гап, асосан, халқи жиддий ҳаётий қийинчиликларни бошидан кечираётган Россия сайловчилари муайян қисми ижтимоий онгида ҳукмрон, айрим эскиликни қўмсаш, кайфиятларидан, сайловлардан кўзланган мақсадларга эришишда, фойдаланиш хусусида бормоқда.

Бироқ, мақсад, қанчалик олижаноб бўлмасин, у ҳар қандай воситани ҳам оқлайвермайди. Олижаноб мақсадларга тегишли, яъни бамисоли ниятнинг ўзидек, ҳалол-пок воситалар билан эришилади.

Бундан ташқари, назарда тутилаётган мактабни биз ўтаганмиз ва мутлақо тўғри айтилганидек, «бир дарёга икки маротаба кириш мумкин эмас!». Наинки, бу дунёда «Ҳамма нарса ҳаракатда, ҳамма нарса ўзгаришда!» Ёки бўлмаса, фожиа тарзида бир маротаба юз берган тарихий воқеа, иккинчи маротаба ўзини фақат кулгили, масхараомуз кўринишда намоён этади...

Ҳаётий воқеликдан ажралиб қолган айрим сиёсатчилар ўзларининг тор, ғаразли нафсониятлари ва сайловолди мавсуми хусусиятларидан носоғлом тарзда фойдаланиш манфаатларидан келиб чиқиб, Россия парламентига шундай йўлни зўрлик билан тиқиштирдиларки, у МДҲ давлатларининг эндигина тетапоя бўлаётган иқтисодий яқинлашуви, шунингдек, уларнинг бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини бир зумда чиппакка чиқариши мумкин. Шу билан бирга, бу — Россиядаги айрим кимсаларнинг, ҳаётнинг ўзи томонидан аллақачон рад этилган ва тарихан ўзини оқламаган, ўзга халқлар ҳамда давлатлар тақдирини ўзларича ечиш ҳуқуқини тасарруфга олиш, маълум ва машъум «катта оғачилик» анъаналарини қайта тиклаш учун қилаётган янги, бефойда, беистиқбол уринишидан бошқа нарса эмас.

Бундай номақбул сиёсий йўл, собиқ Иттифоқнинг емирилиши натижасида ташкил топган, мустақил давлатлар қўпқиррали ҳамкорлигининг, ҳозирги босқичдаги, муқобили йўқ шакли — Ҳамдўстликнинг истиқболдаги тақдири учун кескин хавф тўғдиради, минтақаларда миллий маҳдудлик кайфиятларининг кучайишига олиб келади. У, қолаверса, Россия давлати, унинг халқлари манфаатларига ҳам тамомила зиддир. Зеро, бундайин кайфият, саъйи-ҳаракатлар туфайли нафақат МДҲ мамлакатларида, балки, бутун дунёда ҳам Россияга нисбатан ишонч барбод бўлиши мумкин.

Биз Россиядаги маълум кучларнинг ўз обрўларини шундай сохта сиёсий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан асоссиз йўллар билан мустаҳкамлашга уринишларини қоралаб, Россия Федерацияси парламенти, ҳукумати ва халқида бу таҳлитдаги хатарли йўлдан бормаслик, мамлакатда шакллана бошлаган демократик тамойилларни «қизил империя» даврларини қўмсаётганларнинг ҳар қандай бесамар уринишларидан асраш учун, ақл-идрок ҳам, ирода ҳам етарли эканлигига ишонамиз.

Ўзбекистон миллий мустақиллиги қўлга киритгандан буён ўтган давр давомида ўзи танлаган тараққиёт йўлининг тўғрилигини амалда исботлади, жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси бўлди, халқаро ҳуқуқнинг чинакам соҳибига айланди. Республиками

УРҒУ

• ЭРОН чорак миллион афғон қочоқларини Туркманистон ҳудуди орқали репатриация қилиш (асирлар, қочоқлар ва кўчирма қилинганларни ўз ватанига қайтиши) ҳақида Туркманистон ва Афғонистон билан бир битимга келди. БМТнинг қочоқлар муаммоси бўйича шуғулланувчи қўмитаси раиси таъкидлашича, мазкур халқаро ташкилот репатриация масаласи билан шуғулланади ва қочоқларга бу уч мамлакат ҳудудидан осон ўтиб олиш учун юк машиналарини муҳайё қилади.

***

• **ЖОВҲАР Дудаев Чеченистон муаммосини тинчлик ва келишув билан ҳал этишнинг Тоториcтон Президенти Шоймиев таклиф этган режасини асос — негизда маъқуллади. Дудаев, Шоймиевнинг вакил-воситачилигида Москва билан икки ҳолда: биринчиси — чечен томонига адекват (тенг ҳуқуқли ҳукумат) ва иккинчиси — чечен жангчиларига миллий мудофаа жангчилари мақоми берилиши кафолатлансагина музокарага киришилишини маълум қилди, деб хабар беради Би-Би-Си радиостанцияси.**

***

• ТУРКИЯ пойтахтида Мусулмон-хорватлар федерацияси қуролли кучларига кўмаклашиш Халқаро конференцияси иш бошлади. Унда 29 та, жумладан 11 та мусулмон ва 9 та Оврўпо иттифоқига аъзо давлатлар иштирок этди.

Русия мазкур конференцияда иштирок этишни лозим топмади.

***

• **РУСИЯ Федерацияси Қуролли кучлар Бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари Виктор Баринкиннинг Давлат думаси депутатларига берган маълумотига кўра, РФ Қуролли кучларининг (ҳалок бўлган Ички ишлар вазирлиги ҳарбийларини истисно этганда) 2134 хизматчиси Чеченистонда ҳалок бўлди. Урушларда 15,5 минг атрофида чечен жангчилари нобуд бўлган. Мингдан ортиқ дудаевчилар эса асирга олинган.**

***

• ЕВРОПА Иттифоқига аъзо давлатлар ҳар йили 22,5 млн. тонна ёки 230 млрд. франк қийматига тенг буғдой етиштиради.

***

• **РУСИЯ Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш ҳақидаги қарори Американинг РФга муносабатига ҳеч қандай таъсир этмайди, — деб баёнот берди АҚШ Давлат департаменти расмий вакили Эн Жонсон. — Чунки Русия парламентининг бу қарори ҳуқуқий асосга эга эмас.**

ОШҚОЗОНМИ ЁКИ ТЕГИРМОН?

Фарангистоннинг Гренобл шаҳрилик Мишел Лотито (1950 йилда туғилган) илк бор темир ҳамда шишанинг таъмини татиб кўрганида 9 ёшда эди. Шундан бери у темир, шиша синиғи ва пластмасса чайнайди. Унинг ошқозони кунига 900 граммга яқин темир ёки шишани ҳазм қилишга қодир. 1966 йилдан буён у жами ўнта велосипед ва еттита телевизорни паққос туширди.

Дўконларда харид қилинган молларни ташиш учун мўлжалланган аравачани еб тугатишга эса 4,5 кун сарфлади. Каракас шаҳрида бир неча гувоҳлар шоҳидлигида «Сессна» деб аталувчи енгил самолётни қисмларга бўлиб ҳазм қилиб юборди. Ниҳоят, овқатдан сўнг тортиладиган мева тариқасида катта бир тобутни едики, инсон инсон бўлиб бунақасини кўрмаган, эшитмаган эди. Бир тасаввур қилинг-а, одамзот тобутнинг ичига эмас, тобут одамзот ичига тушганини!..

Ажабо!

МИЯ ЭМАС, КОМПЬЮТЕР

1980 йил 18 июнь куни ҳиндистонлик Шакунтала Деви исмли қиз Лондон коллежининг ҳисоблаш машиналари бўлими ходимлари томонидан берилган топшириқни бажарди, яъни 13 хонали рақамни бир-бирига кўпайтирди (7 686 369 774 870 X 2 465 099 745 779).

Орадан роппа-роса 28 секунд ўтгач, у ҳосил бўлган сонни айтди —

18 947 668 177 995 426 773 730.

Текширув натижасида қиз ҳисобни сўнгги рақамигача тўғри аниқлагани тасдиқланди. Бироқ кўпчилик мутахассислар бунга ишонишни истамадилар, тажриба чоғи назорат кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган, дея шубҳа билдирдилар. Аммо орадан кўп ўтмай Шакунтала Деви ўзининг энг мураккаб ҳисоб амалларини мияда ҳал этишдек ақл бовар қилмас иқтидори сабабларига ойдинлик киритувчи китобини чоп этди.

XX аср юлдузлари

ЎЗИМИЗНИНГ ХЕММА

Санъатлар ичида шундай тури борки, у катта-ю кичик, мунаққид-у, оддий деҳқоннинг қалбидан бирдек жой олади. Кино санъати, кино актёр, айниқса, истеъдодли санъаткор тўғридан-тўғри қалбларга кириб боради.

Жаҳон кино юлдузи Хемма Малинини билмаган, унинг бетакрор образлари мафтуни бўлмаган мухлислар йўқ ҳисоби. У ҳинд киноси оламида юзлаб образлар талқин этган. Лекин бугун биз бу ёркин юлдузнинг бошқа бир жиҳати — ўзбек халқи, юртимиз, санъатимиз ҳақидаги мулоҳазаларини айтмоқчимиз.

Дарвоқе, Хемма жаҳон кино юлдузлари ҳақида ўта талабчан, танқидий фикрловчи, санъаткорлар маҳоратига камдан-кам тан берувчи актёр.

Хеммани биз «ўз санъаткоримиз» дейишга ҳақлимиз. Томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинган «Али бобо ва қирқ қароқчи» бадиий фильмини суратга олиш якунланган кезлар эди.

Дунёда энг синчков ва қизиқувчан журналистлардир. Одатдагидек Хемма ҳам уларнинг назаридан четда қолмади. «Диёримиздан қандай таассурот билан қайтяпсиз?» Ҳозиржавоб Хемма иккиланмай деди:

— Шу юртнинг, ўзбек халқининг, санъатининг мухлисиман. Бу фильмда Гулчеҳрахоним билан бирга ўйнамадик. (Жамиловани назарда тутяпмиз). Очиғи, хонимнинг мухлисиман. Насиб этса янги фильмларда яна суратга тушиш истагим бор...

Умид қиламиз, Хемма Малинининг истаклари амалга ошади, ўзбек томошабини унинг жозибадор санъатидан қайта-қайта баҳраманд бўлади.

Биз эса санъатимиз жаҳон кино юлдузлари, дунё халқлари томонидан яна бир бор эътироф этилганидан ғурурланамиз.

САИДА.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ЖАҲОН СПОРТИ

• Канаданинг Торонто шаҳрида бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу йилнинг август — сентябрь ойларида хоккей тарихида биринчи марта жаҳон кубогининг ўтказилиши маълум қилинди. Бу йирик мусобақада Германия, Канада, Россия, Словакия, АҚШ, Финляндия, Чехия ва Швеция терма командалари иштирок этади.

***

• Руминиянинг таниқли спортчиларидан бири —сув спорти устаси Флорин Слэвей «XX аср вабоси» касаллигига чалинганидан кейин Германия клиникаларидан бирида даволанаётган эди. Бу ҳам Флоринга фойда бермади. У яқинда СПИД касалигидан вафот этди.



ҲИНДИСТОН: бинокорликнинг кўҳна намунаси.

Эҳтиёт бўлинг!

БАҲОСИГА КЎРА БИЧИМИ

Вильнюсда фолбин лўлиларни бошқа жойлардаги каби ҳар қадамда учратиш мумкин. Албатта, улар ҳақ олмай хизмат кўрсатишмайди. Йигирма ёшлар лўли қиз Оксананинг «ижодий фаолияти» таҳлил» этилганда...

Унинг услуби — у болалар билан ишлашни хуш кўрарди. Лўли қизга кўз қирини ташлаган болани тўхтатиб, фол очишини, фол тўғри чиқиши учун эса, бола ота-онасига билдирмай ўз уйидан пул, тилла ва бошқа қимматбаҳо тақинчоқларни олиб келиши зарурлигини уқтирарди.

Бир гал фолбинга пул учун келган қизча уйида ота-онасига воқеани гапириб берди. Кўп ўтмай, Оксананинг олдига қизча билан бирга полиция ходимлари ҳам етиб келишди.

«ОЛМОС ОЛАМИ» ДОҒДА ҚОЛДИ

Халқаро найранг

Америка терговчилари бундай қаллоблик кўламидан ҳайратда қолдилар. Улар Русиянинг айрим амалдорларига алоқадор бўлган сохта фирма орқали камида ярим миллиард доллар гумдон бўлганлигини тахмин қилмоқдалар. Бу иш шунчалик жиддий тус олганки, ҳатто мамлакат адлия вазири Ж. Рино ФБРга тергов ўтказишни топширди ва бу ишга алоҳида эътибор кўрсатилишини буюрди.

Лондонда чиқадиган «Санди таймс» газетасининг хабар беришича, терговнинг ошкора маълумотларидан кўриниб турибдики, 1992 йилда Русиядан Сан-Францискога борган 32 ёшли Андрей Козленок у ерда икки маҳаллий фуқаро билан, афтидан, гўё Русиянинг асл маъданлар қўмитаси топшириғига биноан олмосни жилолаш корхонасига асос солган. Фирма «Голдан Ада» деб номланган. Шундан кейин тез орада унинг манзилига Русиядан олтин тангалар халтаси «келган». Козленок олтинни эритиб 90 миллион долларга пуллаган. Орадан яна бироз вақт ўтгач, Москвадан «хом» олмос солинган «туҳфа» олиб, Лондонда тез сотиб юборган. Ундан 10 миллион доллар пулни ҳамёнга урган.

Ана шундай савдодан кейин Козленокда қиймат-баҳо мулкларни сотиб олиш иштиёқи хуруж қилди. Бир неча ҳафтанинг ўзидаёқ умумий қиймати 14 миллион доллар баҳоланадиган учта уй, беш жойда ер майдони, яхталар, «Гольф стрим» реактив самолётини 20 миллионга, бундан ташқари вертолёт, «Роллс-ройс» лимузини ва бир неча асл машиналарни сотиб олган.

1994 йилда, деб ёзади газета, фирма Москвадан 89 миллион долларлик «хом» олмос олган. Бу олмослар аввал жилоланиши ва ундан кейин жаҳон бозорида ёқут кўринишида сотилмоғи лозим эди. Козленок эса олмосларни Антверпенда 70 миллион долларга сотиб, пулни елга совурди.

Лекин орадан кўп ўтмай, русиялик «ҳамтовоқлар» жўнатманинг тақдири нима бўлгани ва сотувдан йиғилган пулни қачон олиш мумкинлиги ҳақида маълумот беришни талаб қилишди. Козленокдан ҳисобга пул ўтказилиши тўғрисида садо чиқмагач, русиялик амалдорлар уни судга бериб, 171 миллион доллар қайтаришини талаб қилишди.

Козленок ва унинг Сан-Францискодаги ҳамтовоқлари эса «олмос олами»ни доғда қолдириб, ғойиб бўлдилар.

КЎЗОЙНАК ТАҚМАЙДИГАНЛАР ЎҚИМАСИН

***

Францияда 23 млн. киши кўзойнак тақади. Русияда бундан-да кўп. Французлар дуч келганинимас, танлаб-танлаб кўзойнак тақишади. Улар кўриш қобилиятининг яхшиланишинигина эмас, кўзойнак эгасига ярашишини ҳам ўйлашади. Ахир, чеҳрага ярашадиган кўзойнак тақиш ҳам санъат-да.

***

Бўртиқ ёноқ, энсиз ияк, учбурчаксимон юзли кишиларга тепа «кўзи»нинг юқориси қуйи қисмидан энлироқ бўлган капалакнусха кўзойнак ярашади.

***

Кулча юзга катта, аммо ингичка, геометрик шаклдаги кўзойнак ярашади.

***

Жағи бўртган, катта юзли кишиларга катта, бироз эгилган кўзойнаклар ярашади.

***

Уйғун юзга ҳар хил кўзойнак ҳам бирдай ярашади.

***

Кўзойнакни сал қуйироққа тушириб, узун бурунни «қисқартириш» мумкин. Шу амалнинг тескарисини қилсангиз, «пучуқ» бурун «чўзилиб» қолади. Ярашганини танланг.

***

Юз териси шафтолиранг кишиларга сариқ кўзойнак кўпроқ ярашади. Оқ юзли бўлсангиз, қора ёки кумушранг кўзойнак тақинг, очилиб кетасиз.

***

Бу борада алоҳида маслаҳатлар: кўзойнак тақишда сочингиз ва кўзингиз туси, юзингиз тузилиши, қанақа кийим кийганингиз ва уларнинг ранги, об-ҳаво, фасл, кўчада юришингиз ёки ишхонада ўтиришингиз, феълингиз каби ҳолатларни ҳисобга олинг. Чунки, кўзойнак тақишингизга қараб қандай одам эканингиз ва кайфиятингизни билиб олувчилар ҳар қадамда учрайди. Сиз уларга чиройли, гўзал ва меҳрибон бўлиб кўрининг.

Central Asian-American Enterprise Fund • Asian Crossroads Loan Company •

Central Asian - American Enterprise Fund

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини

Наврўз байрами билан

муборакбод этиб, бахт-саодат ва равнак тилайди.

Р. БЕРНСТРОМ,
Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондининг Президенти ва Бош ижрочи директори.

ҲАР КЎНГИЛНИНГ БАЙРАМИ

Асли тирикликнинг ўзи бир байрам. Яратганга шукурки, бизларнинг пешонамизга кўп яхши кунларни «ёзиб» қўйган. Ана шундай дамлардан бири қутлуғ НАВРЎЗИ ОЛАМдир.

У ҳар йили ҳар бир юракка, ҳар бир кўнгилга янгича руҳ ва янгича қувончлар олиб келади. Бу йил ҳам у яна катта умидлар ва хайрли қадамлари ила озод юртимизга кириб келди. Кеча эса...

Таҳририятимизда шу муборак айём шарафига дастурхон ёзилди. Барчанинг дилига ёруғ нурлар олиб кираётган ЙИЛ боши олдидан самимий тилаклар айтилди. Ўзбек миллий матбуотининг оқсоқоллари ва ижодкорлар ўз дил изҳорларини билдиришди. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев ижросидаги дилларни ўртовчи классик ашулалар ва шўх яллалар байрам кечасига алоҳида файз бағишлади.

Ҳамма-ҳамма эл улусга ризқ-насиба улашаётган НАВРЎЗнинг қадамлари қутлуғ келишини ният қилдилар.

СУРАТДА: шу тантанадан лавҳа.

Н. ҚОБИЛ.
Суратни Владимир МОЛГАЧЁВ олган.

Мақсуд ҚОРИЕВ

ҚУШЛАР ЎЧИРМА БЎЛГАНДА...

Ҳикоя

Наврўз арафаси эди ўшанда. Изғирин кунлар ўтиб, кўклам эшик қоқмоқда. Табиатда жонланиш, уйғониш бошланган, новдаларда ҳаёт нишонаси.

Онахон ая бомдод намозини тугатди-ю, жойнамоз устида хаёл сурганча ўтириб қолди. Ким билади дейсиз, шу улуғ айём кунлари Аллоҳдан нималарни тилади, нелар дилидан кечди экан бу жафокаш аёлнинг. Уёғи ўзигагина аён. Ёлғизлик қурсин, қарангки, фалакнинг гардиши билан бир вақтлар гавжум бўлган бу хонадонда энди якка ўзи қолган. Болалар ўз йўлини топиб кетишган. Катта ўғли Саид оиласини олиб чет элга, кенжаси бўлса катта ишга кўтарилиб, Тошкентга кўчган.

Ривоятларга қараганда, қушлар ўз болаларини учирма қилгач, кейин бир-бирларини бутунлай унутиб юборар экан. Инсончи?

Шу кўркам сабоҳдан бери тинмай чуғурлашаётган турли-туман қушлар худди сабоғини такрорлаётган мактаб болаларини эслатарди. Сайроқи қушларнинг хонишига маҳлиё бўлган Онахон ая ҳовлига тушиб уёқ-буёқларни тартибга солган бўлди. Ёши саксонга яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳали анча бақувват, меҳнат қилмаса ўтира олмайди. Эрталабдан бери ҳовлида ивирсиб юрибди. Кузда баргига кўмилган ток устидаги хашакларни бир чеккага элтиб, саришталади. Чунки байрамда ҳаммаёқ тартибга солиниши, покланиши керак. Буни ая юраги билан ҳис этади. Ҳовли юзасида ётган эски-туски нарсаларни йўқотдида, кейин анчадан бери ғашига тегиб қиши билан қор-ёмғирда нураб кетган тандир чеккаларини суваб қўймоқчи бўлиб титраб-қақшаб лой қора бошлади.

Шу вақт эшикда қишлоқ оқсоқоли Ҳожибой ота кўринди.

— Эй, Онахон, нима қиляпсан ўзи, шу ҳам иш бўптими? Қўй, қўлингни лойга урма, ҳали қишнинг заҳри кетганича йўқ, яна шамоллаб тумов бўлиб юрма! Қўлингни юв, Тожибойни юбораман, ўзи ўринлатиб беради тандирингни , — деди аяга юзланиб.

— Тожибойингми, хе туссини ел олсин ўша дангасани, бир иш буюрсанг пайсалга солгани-солган. Тағин иш қилмасдан пул сўрайди. Ундан кўра ўзим Наврўзгача қилиб қўяман. Ғашимга тегиб ётадими?

Ҳожибой ота бу тиниб-тинчимас жафокаш аёл ўз сўзидан ҳеч ам қайтмаслигини яхши билгани учунми индамай қўя қолди. Чунки, барибир айтганини қилади, ўлгудай қайсар ва мағрур. Бўлмаса кенжа ўғли Асрор Тошкентга кўчиб кетаётганида «бирга олиб кетаман» деб роса ёлворди, қани энди онаси кўнса! Ўзи кўз очиб кўрган, келин бўлиб тушган, саодатли кунлари ўтган муқаддас хонадонни ташлаб кетишни истамади. «Аввал яхшилаб жойлашиб ол, кейин олиб кетарсан», деб ўғлининг кўнглини кўтарган бўлди.

Шундан уч ойча ўтгач, Асрор келиб қўярда-қўймай онасининг нарсаларини чамадонга жойлаб, Тошкентга олиб кетди. Меҳнатда бели қотган, бекор ўтиролмайдиган бу жонқуяр аёл икки кун ўтмасданоқ «уйингда нафасим қисилиб кетяпти» деб «кетаман»га тушиб қолди. Муҳит, келиннинг қилган иши кўнглига ҳеч ам ёқмади. Бировга муте бўлиб, эртаю-кеч бекор ўтириш жонига тегди. Ёш эмасми, нимаси кўп, юриш-туриши кўп экан келининг, бир чиқиб кетса қоронғу тушганда кириб келади. Шу туфайли аччиғлашиб нари-бери бўлиб ҳам олди. Уйида ўзи хон, ўзи бек эди, кўнглига ёққан овқатни ширингина қилиб пишириб ерди, келини бўлса кўнгли тусаган овқатини қилиб бермайди, кўпинча картошка билан гўшт қовуради.

Хуллас, бир ҳафта ўтар-ўтмас Онахон ўз қадрдон уясига келди-ю, «Ўз уйим, ўлан тўшагим» деганларидек, эркин нафас олди.

— Сенга ҳайронман, Онахон нега ёв қувгандек тез қайтиб келдинг ўғлингникидан? Еганинг олдингда, емаганинг ортингда, роҳат қилиб ўтираверсанг бўлмасмиди, ўрнингда мен бўлсам...

— Бўмай қўя қол. Ўзинг бир тананга ўйлаб кўр, раҳматли эримнинг арвоҳини чирқиллатиб кетиб қолсам тўғри бўладими, Ҳожибой? Агар Асрор — онам деса, соғинса ўзи келиб кўрсин, бағримга келиб отасининг чироғини ёқиб ўтирсин, — деди куйиниб.

Ҳожибой индамади. Энди Онахон ўғлиникига бормайди, таъзирини еб келибди. Ҳа, бу аёл шунақа, унинг кўнглига ҳамма нарса ёқавермайди. Ўрганиб қолган ўзи катта хонадонда якка ҳукмрон бўлиб.

Шундан кейин ойлар, йиллар ўтди. Чет элга ишга борган катта ўғли Саид бир ҳафтага келиб, бир кеча онасиникида меҳмондек ётиб кетди. Асрор бўлса, лавозими ўзгариб, яна каттароқ ишга кўтарилди. Унинг номи гоҳо-гоҳо радиода, ойнаи жаҳонда эшитилиб қолади, Асрор Шарифов фалон мажлисда ёки йиғинда иштирок этди, сўзлади деб. Она эмасми, ўғлининг халқ ўртасида обрў-эътибор қозониб, эл оғзига тушганидан хурсанд. Қушнилар чиқиб қолса, Саидни ҳам, Асрорни ҳам фахр билан мақтагани мақтаган. Аммо ёлғиз қолгач, барибир кўнгли ўксинади. Қани энди ўғиллари бағрида бўлса, неваралари ҳовлини тўлдириб юришса! Шуларни ўйлаб, кўнгли ўксийди, Саид узоқда, ундан гина қилмайди. Аммо Асрор Тошкентда, вақт топиб тез-тез келиб турса бўлади-ку...

Ёз ойлари эди, кун ниҳоятда исиб кетган. Онахон ариқда шарқираб оқаётган сувга юз-кўзларини ювиб, ток тагидаги сўрига чиқиб энди ёнбошламоқчи эди, қушниси Хадича хола кириб келди.

— Онахон, суюнчи беринг, ўғлингиз Асрорхон келибди, — деб қолди.

— Вой, ростданми, қачон келибди, қаерда экан ўзи?

— Кеча келишган экан. Ҳоким билан яйловга кетишибди, ўғлим айтди.

— Шу ростми, алдаётганинг йўқми?

— Вой нега ундай дейсиз, ўғлим ёлғон гапирадими?

Онахон жимиб қолди, нафаси ичига тушиб кетди. Хаёли бўлинди. Ўзи ҳам сезмай, негадир кўзига ёш келди.

— Асрорхон ҳам қизиқ экан, нега тўппа-тўғри шу ерга келмабди-а?

Қушнининг гапи яранинг устига туз сепгандай бўлди. Онахон аянинг тили лол, нима деб жавоб қайтаришни билмайди. Хадичанинг гапи юрагига қаттиқ ботди. Ўзи ҳам ана шунақа оғзи ботир аёл. Унга бир гап тегмасин. Ҳали бутун қушниларга бирма-бир айтиб чиқади.

Хуллас, ўша куни ўғлидан дарак бўлмади. Бу воқеа Онахон аянинг кўнглига оғир ботди. Шунча вақтдан бери водийга келмай-келмай, бир келибди-ю, онасини кўрмай қайгадир кетибди! Ҳаммадан ҳам анави Хадичанинг олдида ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади. Жуда ҳам уятли иш бўлди-да! Бошқа қушнилар эшитиб қолса, нима деган гап бўлади!

Эртаси кун ҳовлиққанча Ҳожибой кириб келди: «Ҳой, Онахон, нима дейсан, ўғлинг Асрор келяпти».

Онахон ёшликдан бирга ўсган «дўсти» Ҳожибойга қараб турдида, кесатиб:

— Энди келармишми, кечадан бери қаерда юрган экан? — деди.

Шу вақт қўчада шов-шув бўлиб қолди. Машиналар эшигининг қарсиллаб ёпилган овози эшитилди.

Ўғли эшикдан кириб келганда Онахон ая ариқ бўйида ўтириб олиб товоқ-қошиқларни ювмоқда эди. Онаси ўғлига бир қаради-ю, гўё билмагандек бепарволик билан ишини давом эттираверди.

— Ойижон, ассалому алайкум, эсон-омон ўтирибсизми?

Онахон аразлагандек ўғлининг саломига алик ҳам олмай, ювилган идишларни кўтарганча уйга кириб кетди. Асрор онасининг чўрткесарлигини, фарзандларига қаттиққўллигини билади. Меҳри ҳам, қаҳри ҳам бор. Водийга келган куниёқ онасининг ҳузурига келиши шарт эди-ю аэропортдан ҳоким қўярда-қўймай яйловга олиб чиқиб кетди. Ўғлининг хатоси ҳам шунда. Ўзи буни яхши тушуниб, ҳис этиб турибди. Майли жаҳлдан тушиб қолар, шуларни ўйлади-да, онасининг ортидан уйга кирди.

— Ойижон, мен Асрорман...

Онахон эшитмаганликка олиб уй ишларини қиларди. Онасининг чиндан ҳам хафа бўлганини сезиб Асрор ҳовлига қайтиб чиқиб, «буёғи нима бўлади» дегандек Ҳожибой отага қараб елкасини қисиб қўйди. Ҳоким ҳам қишлоқ оқсоқоли Ҳожибойга «энди ўзингиз аралашмасангиз бўлмайди», дегандек қилди.

Ҳожибой хонага кирди.

— Ҳой, Онахон, сенга нима бўлди, эс-ҳушинг жойидами ўзи, жинни-пинни бўлиб қолдингми, уят эмасми? Ёшинг бир жойга бориб қолган бўлса ҳам ёш боланинг ишини қиласан-а? Аразлашни ким қўйибди сенга!

— Соппа-соғман, ўғлим келганини ҳам билиб, эшитиб турибман, — деди қатъий. Кейин дилидагини оқсоқолга тўкиб солди. — Асрор ўзи кеча келган экан, буни ҳамма билади, фақат биргина онаси бехабар. Қушнилар чиқишади, «ўғлингиз келибди» деб. Нега ўша заҳотиёқ мени кўргани келмади. Одамлар олдида номусга ўлдирди-ку!

— Қаёққа борарди, мана келди-ку, яна нима дейсан!

— Кетиш олдидан келган... Яна шошиб-пишиб жўнаб қолади.

— Тушунсангчи, ахир иши кўп. Катта одам бўлса, яна халқ ноиби. Ундан гина қилиб бўладими?

— Катта бўлса, ноиб бўлса ўзига! Мен учун фарзанд. «Ҳой, Онахон ўғлинг келди», деб азза-базза Мастон чиқибди. Анави гапчи Хадича бўлса, ҳаммаёқда «ана ўғли онасини кўргани келмади» деб уйма-уй гап сотиб юрибди. Жалил карвон бўлса, «кеча келган экан, уйингизга келиб кетса бўлмасдими» дейди тўппа-тўсиндан. Уларга нима дейишни билмайман. Катта бўлиб кетдим деб, фарзандлик бурчини унутадими? Оналарни пайғамбарлар сийлаган экан. Боқиб, катта қилиб, энди шу ҳолга тушибмизми?

— Майли энди, ҳамма гапларинг тўғри. Ўзи ҳам пушаймон. Сен онасан, кечира қол. Юр олдига чиқ. Ҳамма қараб қолди. Ҳокимнинг ўзи ҳам шу ерда!

Шу гапдан кейин Онахон уёқ-буёғини тузатган бўлди-да, ҳовлига чиқиб, кичкина бола каби аразлагандек бўлиб, ўғли томон юриб бордида уни бағрига босди.

Бир пастда дастурхон ёзилиб, самовар ҳам қайнади. Қушниларнинг айтишича, онаизор ўғлининг келганини эшитиб кечаси билан тайёргарлик кўрган экан. Тонг саҳар туриб тандир қиздириб, нон, лочира, сомса ёпибди. Пиширган нарсаларини совиб қолмасин деб тандирда сақлаган экан. Қаймоқ, сузма, турли мевалар дейсизми, ҳаммаси ўғли учун муҳайё.

— Ўғлим, энди мен ҳам анча қариб, куч-қувватдан кетиб қолдим, беш кунлигим борми-йўқми. Отангдан қолган уй-жой, бағримга кўчиб кела қол, отангнинг чироғини ёқиб ўтир. Қишлоқ оқсоқоли ҳам, ҳоким ҳам мени жуда ҳурмат қилишади. Нима десам бажонидил ёрдам бериб туришибди. Худога минг бор шукрлар бўлсинким, ўзимга яраша обрўйим бор. Агар уларга айтсам, сенга ҳам яхши бир иш топиб беришади.

Онахон пиёлани сочиқ билан яхшилаб артди-да, қиёмига етган чойни қуйиб ўғлига узатди. Товоқдаги қаймоқни ўғлининг ёнига суриб: «Болалигингда қаймоққа лочира тўғраб ейишни яхши кўрар эдинг, ола қол» деб, ўғлининг меҳрига қона олмай термулганча ўтирарди.

— Кўзларинг киртайиб, озиб қолибсан, сочларингга оқ ҳам тушибди.

Ўғли бўлса индамас, онасининг гапларига гоҳо мийиғида кулиб, гоҳо ачиниб, сўзларига итоаткорона қулоқ берар, гўё узоқ вақтдан бери йўқотиб қўйган онасининг беғубор, меҳрли қарашларига маҳлиё бўлганча ўтирарди...

Айвон кунгирасига қўниб, шипдаги инига кириб-чиқиб тинмай вижирвижир қилаётган қалдирғоч ҳам аллақачон болаларини учирма қилиб юборган. Энди бўлса нималардир деб сайрар, балки у ҳам болаларини қўмсаётгандир...

"ТРАСТБАНК"

Ўзбекистон Республикаси халқини баҳор ва гўзаллик, ёшариш ва янгиланиш байрами **Наврўзи олам билан** чин кўнгилдан муборакбод этади.

Юртимиз тинч, халқимиз тотув, бахт-саодатли, дастурхони тўкин-сочин бўлсин!

бутун ўзбек халқини

НАВРЎЗ

айёми билан чин юракдан табриклаймиз.
Бу қутлуғ байрам Ўзбекистон заминида азалий қадриятлар тантана қилаётганлигининг ёрқин кўзгусидиир.

"Жиҳан" компанияси ресторани ва нон фабрикаси бош раҳбари Меҳмет ЎЗАЛ.

Манзил: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 48а-уй.
Тел: 42-26-24, 42-35-63.

НАВРЎЗ

Шафтолида пушти гул,
Олча гуллади оппоқ.
Сойда сув шовуллайди,
Дарахтлар кўм-кўк яп-роқ.

Қўкатлардан кўк сомса,
Чучвара-ю кўк патир.
Исмалоқ пичаги-чи?
Бай-бай оғизда татир.

Тиғиз экиш-тикишлар.
Бу эса «дала сайли».
Тез орада бошланур,
Қирларда «лола сайли».

«Сумалакнинг сайли»ку
Аллақачон бошланди.
Ҳар йилгидек бу йил ҳам
Эрта уруғ ташланди.

Карнай-сурнай завқида
Ўйнаётир дорбозлар.
Байрамга файз киритиб
Наврўз созини созлар.

Бурхон ШОМИРЗАЕВ,
Пойариқ тумани.

(Газетанинг навбатдаги сони 22 март, жума куни чиқади).

Энг порлоқ туйғулар тилаймиз сизга,
Энг ширин орзулар тилаймиз сизга.

«НАВРЎЗИ ОЛАМ БУГУН» ЎЙЛАНМАСИ

Таърифлари қуйида баён этилган сўзларни топиб, шаклда рақамли хонадан белгиланган йўналиш бўйича катакларга ёзиш билан ўйланмани ҳал этинг.

ЭНИГА: 1. Коинот жисми, иссиқлик ва ёруғлик манбаи. 17. Серсоя, барглари ингичка дарахт. 47. Мевазор, гулзор маскани.

БЎЙИГА: 2. Ўртапишар, шифобхаш ҳўл мева. 3. Таъми нордон, таомга ишлатиладиган кўкат. 5. Наврўз сайилларида кўтаринки кайфият бағишлайдиган баҳс. 8. Баҳор элчиси, парранда. 11. Болаларнинг кўкламги уйини. 12. Таомга лаззат берувчи ўсимликлар мажмуи. 13. Байрамлар шарафига ўтказиладиган миллий мусобақа. 14. Баҳорий сочпопук. 15. Серилдиз бегона ўт. 16. Қувватижон ичимлик. 17. Чумчуқсимон митти парранда. 18. Дуккакли экин тури. 21. Тола ва ёғ манбаи. 26. Баҳорий рангин ёй. 27. Болалар кўкка боқар, тизгинни маҳкам тутар. 29. Кўклам кўкати. 30. Серуруғ ҳўл мева. 41. Нокнинг бир нави. 42. Боғбон эъзози. 43. Эртапишар ҳўл мева. 46. Таъми нордон ҳўл мева.

АЙЛАНА ВА ЁЙЛАР БЎЙИЧА: 4. Наврўз таоми. 6. Меваси шифобахш гул. 7. Кўркам фасл. 9. Тепалик ер. 10. Мақолдан: «Меҳнат жойи— тўр, жавзо келмай... сўр». 19. Янги униб чиққан ўт-ўлан. 20. Бошоқли экин тури. 22. Баҳорда ниманинг бозори чаққон? 23. Эртапишар қовунсимон мева. 24. Хушбўй гуллардан бири. 25. Кайфиятни кўтарувчи ҳангома. 28. Эрта баҳор гулларидан бири. 31. Гул очилгунча— ... 32. Сув йўли. 33. Оммавий баҳор қўшиғи. 34. «... кирди — амал кирди». 35. Қўшиқдан: «Кимдан уялдинг...» 36. Гул ва шакардан тайёрланадиган ширинлик. 37. Наврўз ҳақида қадимий маълумотларни баён этган мутаффаккир шоир, «Шоҳнома» муаллифи. 38. ... — элга ярашар. 39. Қўшиқдан: «Менга... аъло». 40. Кўкартириш учун кесиб олинган новда. 44. Фойдали ҳашарот, гул шайдоси. 45. Сув гули. 48. Ток тупларини кўтариб турувчи мослама. 49. Сайроқи қуш. 50. Вақт ҳисоби. 51. Туркистон тизма тоғларининг шимоли-ғарбидаги хушманзара маскан, қўриқхона.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.

• *Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120*
• *Газета офсет усулида А—2 форматида 35497 нусхада босилди*
• *Ҳажми 2 босма табоқ*
• *Г — 0122*

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. 1 2 3 4 5 6.